

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 893-ҳадис

893 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ فَحَمِدَ اللَّهَ فَشَمِّتُوهُ، فَإِنْ لَمْ يَحْمَدِ اللَّهَ فَلَا تُشَمِّتُوهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2992].

893. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг **«Бирортангиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, унга ташмит айтинглар. Агар Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтманглар»**, деганларини эшитганман»

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Араб тилида акса урган кишига қарата «Йарҳамукаллоҳ» («Аллоҳ сенга раҳм қилсин») дейиш «ташмит» дейилади.

Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагичадир:

Абу Бурдадан ривоят қилинади:

«Абу Мусонинг ҳузурига кирдим. У (завжаси) Фазл ибн Аббоснинг қизиникида (Умму Кулсумнинг уйида) эди. Мен акса урсам, ташмит айтмади. У (Умму Кулсум) акса урган эди, унга ташмит айтди. Мен онамнинг ёнига қайтиб бориб, бўлган гапни айтдим. (Абу Мусо онамнинг) ҳузурига келганда: «Ҳузурингда ўғлим акса урса, унга ташмит айтмабсан, у (Умму Кулсум) акса урганга эса айтибсан?» деган эди, у шундай деди: «Ўғлинг акса урди, лекин Аллоҳга ҳамд айтмади. Шунинг учун унга ташмит айтмадим. У (Умму Кулсум) эса акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтди. Шунинг учун унга ташмит айтдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг **«Бирортангиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, унга ташмит айтинглар. Агар Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтманглар»**, деганларини эшитганман» (Имом Муслим ривояти).



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI